

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 5 сон

Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Б.Уринов

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: *акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., проф. Ў.Розиқов, ф-м.ф.д., проф. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., доц. Б.Саматов.*

Кимё фанлари- *акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.*

Биология фанлари- *акад. К.Тожибоев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. А.Баташов.*

Техника фанлари- *т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.*

Қишлоқ хўжалиғи фанлари – *г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.*

Тарих фанлари – *акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.*

Иқтисодиёт фанлари – *и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.*

Фалсафа фанлари – *акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.*

Филология фанлари – *акад. Н.Каримов, акад. Т.Мирзаев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев.*

География фанлари - *г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.*

Педагогика фанлари- *п.ф.д., проф. У.Иноят, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., проф., Л.Муминова, п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев.*

Тиббиёт фанлари – *б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.*

Психология фанлари – *п.ф.д., проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова*

Техник муҳаррир: *Н.Юсупов,*

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномасига биноан чоп этилади. НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 05.11.2020 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 3). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

варьирование, обусловленное спецификой различных видов и типов наглядных пособий.

Список использованной литературы

1. Соловьева А.М. Виды и средства наглядности при обучении русскому языку как иностранному на начальном этапе // Интеллектуальный потенциал XXI века: степени познания – Новосибирск, 2016. – С. 59-68.
2. Войтов А.Г. Учебная наглядность. – М.: ИТК "Дашков и К°", 2007. - 238 с.

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР МЕТОДОЛОГИЯСИ

Саидов Ёқуб Сиддиқович, Бухоро давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари доктори

Умурова Хушвахт Хакимовна, Бухоро давлат университети инглиз тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада методология тушунчасининг фалсафий моҳияти очиб берилган, асосий жиҳатлари ва муайян фан тараққиётидаги ўрни ҳамда аҳамияти кўрсатиб ўтилган, лингвокультурологик тадқиқотлар методологиясининг мақсади белгиланган, уни такомиллаштириш учун айрим тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: лингвокультурология, методология, метод, тил, маданият, фалсафа, диалектика, метафизика, категория, гоя, мафкура.

МЕТОДОЛОГИЯ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

Саидов Ёқуб Сиддиқович, доктор филологических наук, доцент кафедры узбекского языкознания Бухарского Государственного Университета

Умурова Хушвахт Хакимовна, старший преподаватель кафедры английского языкознания Бухарского Государственного Университета

Аннотация. В статье раскрывается философская сущность понятия методологии, излагаются основные черты, роль и значение данной науки, раскрывается цель методологии, лингвокультурологических исследований и даются некоторые рекомендации по её совершенствованию.

Ключевые слова: лингвокультурология, методология, метод, язык, культура, философия, диалектика, метафизика, категория, идея, идеология.

METHODOLOGY OF LINGUOCULTURAL RESEARCH

Saidov Yokub Siddikovich doctor of philological science, docent of the Uzbek linguistics department of the Bukhara State University

Umurova Xushvaxt Hakimovna senior teacher of the English linguistics department of the Bukhara State University

Annotation. *The given article deals with philosophical essence of methodology term, its peculiar features, role and place in science development, it shows the aim of methodology of linguocultural researches and gives some suggestions for improvement.*

Key words: *linguoculture, methodology, method, language, culture, philosophy, dialectics, metaphysics, category, idea, ideology*

Кириш. Истиқдол даврида барча фанлар каби тилшунослик фанининг ҳам мазмуни янгиланди, асосий мақсад ва вазифаларида муайян сифатий ўзгаришлар юз берди, тадқиқ мундарижаси аввалгига нисбатан сезиларли даражада кенгайди. Тил ва маданият ўртасидаги алоқа масаласини тадқиқ этиш ҳозирги тилшунослик фанининг энг муҳим, долзарб муаммоларидан бирига айланди. Эндиликда тилшуносликнинг вазифаси тил ҳодисаларини тавсифлаш билангина чекланиб қолмаслиги аён бўлиб қолди. Тилга оид ҳодисаларни ўрганишда унинг маданият билан муносабатини ёритиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Антропоцентрик парадигма йўналишларидан бири лингвокультурология фанининг энг асосий мақсад ва вазифаси миллий маданиятнинг тил билан ўзаро муносабати масаласини ёритишга қаратилди. Уларни яхлит тизим сифатида илмий ўрганиш парадигмаси яратилди [1, 47].

Ўзбек тилшунослигида лингвокультурология йўналишини яна ҳам ривожлантириш ва такомиллаштириш учун унинг тадқиқ методологиясига оид айрим тушунчаларни аниқлаштириш ҳамда белгилаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга мос равишда мазкур йўналишнинг тадқиқ методларини ҳам такомиллаштириб боришни ижтимоий давр талаб қилмоқда. Лингвокультурология соҳасининг методологиясини аниқлаб олиш, ишлаб чиқиш, мукаммаллаштириш кабилар тилшунослик фани учун жуда аҳамиятли муммолардан биридир.

Асосий қисм. Аёнки, методология фанинг структураси, тадқиқ методлари, билимни тажрибага татбиқ қилиш механизмларини ишлаб чиқади. У тадқиқотчини аниқ вазифани бажаришга, фаолиятнинг шу соҳасида маълум натижаларга эришиш сари йўналтиради. Методология асл ҳақиқатни излашда вақт ва кучни тежашга, мақсадга энг яқин ва осон йўл билан етишишга хизмат қилади.

Илмий адабиёт ва луғатларда у хусусда айрим фикрлар билдириб ўтилган. Чунончи, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да унга қуйидагича таъриф берилган: “Методология— тадқиқотчининг назарий ва амалий фаолиятини ташкил этиш, тиклаш тамойиллари ва усуллари тизими ҳамда бундай тизим ҳақидаги таълимот. Методология методлар ҳақидаги таълимот ёки ялпи-умумий билиш методи, деб ҳам таърифланади. Методология методларга ва умуман воқеликка қандай ёндашиш йўлини ўргатади” [8, 460-461].

Методологияда фақат методлар эмас, балки тадқиқотни таъминловчи бошқа воситалар ҳам ўрганилади. Тамойил, қоида, кўрсатма, категория ҳамда тушунчалар мана шундай воситалар жумласига киради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да методология сўзи қуйидагича тавсифланган: “Методология—умуман, илмий метод ҳақидаги, хусусан, айрим фанларнинг методлари ҳақидаги таълимот”. “Философский энциклопедический словарь”да эса у қуйидагича изоҳланган:

“Фалсафа методологияни назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш усул ва тамойиллари тизими ҳамда ушбу тизимнинг таълимоти сифатида белгилайди” [6, 365].

Ушбу изоҳлардан англаш мумкинки, методология:

- воқеликка ёндашиш йўли ёки методи;
- умумий билиш методлари;
- назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш бўйича қўлланилиши назарда тутилган усуллар ёки методлар тизими;
- ушбу усуллар ёки методлар тизими ҳақида таълимот.

Мазкур таърифларда методологиянинг иккита асосий жиҳати кўрсатиб ўтилган. Улардан биринчиси, методологиянинг воқеликни билиш, англаш учун қўлланилиши мақсад қилинган ёки танланган илмий йўл, иккинчиси, методологиянинг методлар тизими ҳақида таълимот эканлигидир. Эътибор берилса, методология сўзининг изоҳларида унинг таълимот эканлиги алоҳида таъкидланган. Маълумки, ушбу сўз арабий ўзлашма сўз бўлиб, *фан соҳалари, жамият, табиат ҳақидаги илмий қарашлар мажмуи; кўрсатма, йўл-йўриқ* каби луғавий маъноларини ифодалайди. Англашиладики, методология назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш бўйича қўлланилиши назарда тутилган усуллар ёки методлар тизими ҳақида илмий қарашлар мажмуи бўлиб, муайян муаммони тўғри ва аниқ ечиш учун кўрсатма, йўл-йўриқ берувчи асосдир.

Бошқача тарзда ифодаладиган бўлсак, методология тушунчаси икки асосий, яъни фан, сиёсат, санъат кабилар фаолиятида қўлланиладиган маълум усуллар тизими ҳамда ушбу методлар тизими ҳақидаги таълимот мазмунига эга. Методология тушунчаси изоҳланган тадқиқотларнинг аксариятида у методлар йиғиндиси ва фаолият тури ҳақидаги таълимотдир деб таърифланган. Айрим тадқиқотларда методология фан тараққиётини таъминловчи асосий элемент эканлиги, унинг ривожланиши учун асосий ва муҳим тушунчалар бериши таъкидланган. Рус тилшуноси В.А.Маслованинг “Лингвокультурология” номли ўқув қўлланмасида шунга айнан ўхшаш фикр ифодаланган. У ёзади: “Методология назариядан фарқли ўлароқ, янги билимларни олиб келмайди, тушунчадан фарқли ўлароқ, у амалиёт учун асос бўлиб хизмат қилмайди, лекин фанда шундай элементларни ривожлантирадики, уларсиз илм-фан ривожланиши мумкин эмас. Методология фан тараққиёти тушунчаси, тушунча эса назариядан амалиётга ўтиш методологиясидир” [2, 33].

Айтилганидек, методология муайян воқеликни билишда кетма-кетликда бажариладиган ёки қўлланиладиган методлар учун аниқ дастур, қоида бўлиб хизмат қилади. Масалан, воқеликнинг ривожланиш, ўзгариш жараёнини ва уни ташкил этувчи элементлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликларни акс эттирувчи методологияга диалектика асосий кўрсатма, йўл-йўриқ бўлади. Системавий ва комплекс ёндашиш методологиялари эса инсоннинг барча ҳаётий жараёнларида кенг қўлланилади. Илмий билишда методологик дастур муҳим ўрин тутаяди, у долзарб муаммоларни аниқлаш, аҳамиятли илмий натижаларга эга бўлиш ҳамда асосли хулосалар чиқариш имкониятини кенгайтиради. Методологик муаммолар,

асосан, тадқиқотни режалаштириш билан боғлиқ бўлади, унда муаммони ечиш, кузатиш ва таҳлил этиш тартиби аниқланади, мўлжалланаётган концептуал процедуралар белгиланади.

Илмий асарларнинг айримларида методологияни муайян фан хусусдаги фан, фалсафа билан фан оралигида турувчи фан деб ифодаланганлигини ҳам учратиш мумкин. Фалсафа фанига оид тадқиқотларда айтилишича, методология таълимотида энг муҳим вазифа объектив ҳақиқатни аниқлашдир. Шунга кўра белгиланган методологик йўл ва дунёқараш тўғри, аниқ, умуминсоний ҳамда миллат манфатларига мос бўлиши керак. Барча фанларнинг, жумладан, лингвокультурологиянинг тадқиқ методологиясини такомиллаштиришда мазкур жиҳатларни алоҳида эътиборга олиш лозимлиги аён бўлади.

Айтилганидек, бошқа фанлар каби методологиянинг ҳам моҳиятини фалсафа ташкил этади. Фалсафий билимлар асосли, тўғри ва изчил бўлса, методология ҳам асосли, тўғри ҳамда изчил бўлади ёки аксинча. Кузатишлар шуни кўрсатадики, муайян фан доирасидаги тадқиқотлар жараёнида кўп ҳолларда фалсафий методлар доим ҳам яққол намоён бўлавермайди. Бу хусусда олима Н.Шермухамедова “Фалсафа ва фан методологияси” асарида қуйидагиларни ёзади: “Уларни ё стихияли, ёки онгли тарзда қўллаш ва ҳисобга олиш мумкин. Аммо умумий аҳамиятга эга бўлган унсур (масалан, қонунлар, тушунча, тамойил ва бошқа)лар ҳар қандай фанда мавжуд. Улар фанни «амалий мантиқ»қа айлантиради. Уларнинг ҳар бирида «фалсафа ҳукм суради», зеро, умумий унсур (моҳият, қонун)лар ҳамма ерда мавжуд. Фалсафа «яхши» бўлган ва илмий тадқиқотда онгли тарзда қўлланган ҳолларда ижобий натижаларга эришилади” [7, 87].

Фалсафа илмининг асл моҳиятини оламнинг пайдо бўлиши, ўзгариши, ривожланишига оид умумий қонуниятларни билиш ва ундан самарали фойдаланиш; инсоннинг дунёдаги мавқеини аниқлаш; материя ва ҳаракат, макон ва вақт, онг ва руҳ, ғоя ва мафкура тушунчаларининг моҳиятини аниқлаш кабилар ташкил этиши ҳаммага аён. Ҳар бир фан бу тушунчаларга ўз тадқиқот объектига кўра муносабатда бўлади. Фалсафа фанининг ўзида эса мазкур масалаларга билдирилган илмий фикрларнинг саноғига етиб бўлмайди. Шунга мувофиқ тарзда турли-туман фалсафий оқим ва йўналишлар ҳам юзага келган. Улар жумласига идеализм, материализм, неотомизм, неофрейдизм, прагматизм, пантеизм, плюрализм, рационализм, субстантивизм, теология, функционализм кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, лингвокультурологияда бу ва бошқа фалсафий оқим ҳамда йўналишлар илгари сурган ғояларнинг бирортасидан ҳам мутлақ тўғри илмий ғоя сифатида тўлиқ ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, бироқ улар илгари сурган ғояларнинг барчасини ҳам батамом нотўғри деб бўлмайди, уларнинг айрим илмий фикрларидан фойдаланиш мумкин.

Булардан ташқари фалсафий категориялар ёки умумий тушунчалар таркибига кирувчи материя ва онг, объект ва субъект, сабаб ва оқибат, релятивизм ва догматизм, онтология ва гносеология, материализм ва идеализм, диалектика ва метафизика, ҳақиқат ва ёлғон, чексизлик ва чеклилик, мантиқийлик ва мантиқсизлик, мутлақлик ва нисбийлик, зарурият ва тасодиф, мазмун ва шакл,

имконият ва ҳақиқат, моҳият ва воқелик кабиларга қайд этилган фалсафий оқимларнинг қарашлари ҳамда муносабати ҳам турлича эканлигини кўриш мумкин. Шунингдек, фалсафий категорияларнинг ҳар бири фанлар бўйича турлича намоён бўлишини ҳам назардан қочирмаслик керак. Эътибор берилса, мазкур фалсафий категорияларнинг ҳар бири икки карама-карши томонли тушунчаларидир. Англашиладики, фандаги умумий тушунчалар, яъни фалсафий категориялар зиддиятли бўлиб, диалектик характерга эга. Ана шу диалектика дунё фалсафасининг, шунингдек, ҳар қандай ҳудудий, миллий, диний фалсафанинг асосини ташкил этади. фандаги умум тушунчалар, яъни фалсафий категориялар зиддиятли бўлиб, диалектик характерга эга [4, 10].

Тадқиқотларда эътироф этилишича, илм-фаннинг ҳамма соҳасида қўлланиладиган фалсафий қонуниятлар диалектиканинг қонунларидир. Маълумки, ушбу қонунларга қарама-қаршилиқлар бирлиги, миқдорий ўзгаришлар ва сифатий ўзгаришларнинг ўзаро бир-бирига ўтиши, инкорни инкор қилиш қонуни киради. Диалектиканинг мазкур қонунлари бошқа фанларда бўлгани каби лингвокультурологияда ҳам энг асосий қўлланиладиган қонунлардир. Шу ўринда диалектика тамойиллари ва зиддият қонунига оид тушунчалар энг қадимги ёзма манбаларда етарли даражада изоҳланганлигини, у илк марта “Авесто” китобида (Аристотелдан тўрт юз йил аввал) батафсил баён этиб ўтилганлигини, унда оламни бир-бирига зид икки куч яратган деган фалсафий ғоя илгари сурилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур асарда ифодаланган фалсафий тамойиллар ҳозирга қадар жаҳон фалсафасида асосий тамойиллар сифатида эътироф этиб келинмоқда.

Эътиборга олиш лозимки, диалектиканинг қонун-қоидалари барча ўринларда – жонли ва жонсиз табиатда ҳам, шахс ва жамият ҳаётида ҳам ҳар доим мавжуд бўлиб, унинг қонунлари ҳамма вақт ва ҳамма жойда, чунончи, назарда тутилган фан доирасида ҳам амал қилади. Ушбу қонунлар инсон пайдо бўлмасдан илгари ҳам мавжуд бўлган, ҳозир ҳам, келгусида ҳам ўз хусусиятини тўлиқ намоён этади. Шунга кўра, мазкур қонунлардан барча фанлар, жумладан, лингвокультурология йўналишининг тадқиқот методологиясида ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, фалсафий билимнинг таркибий қисмлари: 1) *онтология* (мавжудлик, борлиқ ҳақидаги билим); 2) *гносеология* ёки *эпистемология* – (билиш назарияси); 3) *ижтимоий фалсафа* (жамият ҳақидаги таълимот); 4) *этика* (ахлоқ ҳақидаги таълимот); 5) *аксиология* (қадриятлар ҳақидаги таълимот) ва бошқалардан иборат. Диалектика назариясида муҳим ўринга эга–онтология, гносеология кабилар жаҳон фалсафасида деярли фарқ қилмайди. Бироқ жамият жараёнларини ўрганувчи ижтимоий фалсафа муайян ҳудуд, мамлакат ва динлар бўйича фарқ қилади. Шунга кўра, ўзбек халқининг ижтимоий фалсафаси инглиз халқининг ижтимоий фалсафасидан, инглиз халқининг ижтимоий фалсафаси хитой халқининг ижтимоий фалсафасидан кескин фарқ этади. Ахлоқ ва қадриятлар ҳақидаги таълимот борасида ҳам мазкур фикрни айтиш мумкин. Лингвокультурологик тадқиқотларда мазкур жиҳатларни алоҳида эътиборга олиш керак бўлади.

Методологияда диалектика қонун ва методлари билан бирга метафизика (юн. *физикадан кейин*)нинг қонун ва методларидан ҳам фойдаланиш ўринлидир. Фалсафага оид тадқиқотларнинг аксариятида метафизика диалектикага қарама-қарши қўйилади. Бундай фикр юритиш нотўғри эканлиги айрим тадқиқотларда айтиб ўтилган. Метафизика предмет ва ҳодисаларни ўрганишда уларнинг муайян вақт давомида нисбатан ўзгармай турган ҳолатига диққатни қаратади. Бу усул орқали предмет ва ҳодисаларнинг шакллари ҳамда уларнинг алоҳида қисми ёки ҳолати ўрганилади. Маълумки, воқеа ва ҳодисаларни мунтазам ўзгариш ҳолатида ўрганиш ниҳоятда қийин. Шу боис барча фан мутахассислари уларнинг нисбатан тинч ва ўзгармай турган ҳолатини тадқиқ этишга ҳаракат қиладилар. Таъкидлаш ўринлики, метафизик усулнинг илмий тадқиқотларда алоҳида ўрни бор. Бунини эътироф этиб ўтиш лозим. Эслатиб ўтиш мумкинки, билишнинг диалектик усулида эса ўрганилаётган объект(лар) зиддиятли, ўзаро боғлиқ, ҳаракат ва ривожланишда эканлиги эътиборга олинади.

Лингвокультурология методологиясида диалектика қонун ва методлари билан бирга метафизиканинг қонун ва методларидан ҳам ўринли фойдаланиш талаб этилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам тадқиқотчининг асосий мақсади объектив ҳақиқатни аниқлашга қаратилиши керак. Ўрта асрнинг қомусий олими Абу Райҳон Беруний ўзининг машҳур “Осорул-боқия анил-қурунил-ҳолия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) (1000) ва “Ҳиндистон” (1030) асарларида алоҳида таъкидлаб ўтадики, олам, табиат ва жамиятга оид воқеликларни ўрганмоқчи бўлган олим унга муносабат масаласида ўзининг шахсий манфаатлари, қизиқишлари, ҳиссиётлари, яхши ёки ёмон кўриши, фойда ёки зарар кўришидан мутлақо ҳоли бўлиши керак, уни тўғри ва аниқ баҳолаши лозим. Объектни тадқиқ этиш жараёнида методологик принципнинг бузилиши сохта хулосаларга, ҳақиқий аҳволнинг ихтиёрий ёки ғайриихтиёрий равишда бузиб кўрсатилишига олиб келади, бу ҳол амалда объектни ўрганаётган субъектнинг (одам, кишилар гуруҳи ёки бутун жамиятнинг) шу объектни билиш ва ижодий ўзлаштиришига тўсқинлик қилади [5, 181].

Методологияни белгилашда ғоя ва мафкура муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек лингвокультурологияси фани методологиясини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштиришда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, тарихий, маданий, маърифий ғояларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки миллий мафкура миллий ғоялар тизими асосида юзага келади. Ғоялар тизими одатда маълум бир жамият, миллат ёки давлат учун, унинг тараққиёти учун хизмат қилади. Бундан ғоялар фақат бир миллат манфаати учун керак бўлади, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Баъзи ғоялар борки, кўпгина миллатлар тараққиёти учун хизмат қилиб келмоқда. Мафкура эса одатда миллий характерга эга бўлади, у дунё мафкураси сифатида амал қилмайди.

Мафкура муайян жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий ғояларининг мажмуи бўлиб, у муайян жамият кишиларини идеал келажакка ундовчи ижтимоий ва руҳий кучдир. Миллий мафкурани такомиллаштириш учун, энг аввало, ниҳоятда бой ва қадимий тарихий-фалсафий меросимиз ҳамда жаҳон фалсафаси ютуқларини алоҳида эътиборга олиш керак.

Маълумки, илмий асарларда фан методологияси қуйидаги икки гуруҳга кўра таснифланади: умумий ва махсус. Умумий методология ҳамма фанларга тааллуқли бўлганлиги боис фалсафий методология деб ҳам юритилади. Тарихда ҳамма фанларга методологик асос бўлган методологиялар ҳам яратилган. Бироқ улар таназулга учраган. Бунга мисол сифатида диалектик материализмларни айтиш мумкин. Фан оламида ҳозирги даврда барча фанлар учун татбиқ этиладиган умумий методология мавжуд эмас. Махсус методологиялар эса жуда кўп бўлиб, улар фақат айрим фан доирасидагина ишлаб чиқилган.

Ўзбек тилшунослигида лингвокультурология йўналиши бўйича бажариладиган тадқиқотларда хусусий методологик тамойиллар муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқотларнинг методологик асосларини «Ўзбекистон Республикаси Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим ва тарбия, фанни ривожлантириш бўйича фармон ва қарорлари, маъруза ва чиқишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат таълим стандартлари ҳақидаги қарорлари, таълим-тарбия сифатини такомиллаштиришга доир меъёрий ҳужжатлар, фан ва таълим-тарбия уйғунлиги тамойиллари ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. Айтилганлар амалга оширилиши назарда тутилган тадқиқотларнинг назарий ва амалий аҳамиятини кучайтиришга асос бўлади, кенгроқ маънода айтганда, миллий мафкурамизни такомиллаштиришга у ёки бу даражада хизмат қилади.

Лингвокультурологик тадқиқотларнинг методологик асосларини белгилашда Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий кабиларнинг тил ҳодисаларини халқнинг ижтимоий турмуши, тафаккури, урф-одатлари, маданияти, маънавияти, дини, ахлоқи билан ўзаро боғлиқ тарзда ўрганиш хусусидаги илмий қарашлари, аниқроқ қилиб айтсак, назарий ғояларидан кенг фойдаланиш, уларга алоҳида эътибор бериш шартдир. Чунки улар лингвокультурологиянинг тадқиқ методологиясига оид илмий-назарий ғояларни илк марта илгари сурган алломалардир.

Хулоса. Лингвокультурологик тадқиқотлар методологисида ўзбек халқининг ниҳоятда бой ва қадимий тарихий-фалсафий мероси, миллий мафкураси, умуминсоний ғоялар, жаҳон фалсафаси ютуқлари, унинг категориялари ва диалектиканинг қарама-қаршиликлар бирлиги, миқдорий ўзгаришлар ва сифатий ўзгаришларнинг ўзаро бир-бирига ўтиши, инкорни инкор қилиш қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим ва тарбия бўйича фармон ва қарорлари, маъруза ва чиқишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим-тарбия сифатини такомиллаштиришга доир меъёрий ҳужжатлари кабилар эътиборга олиниши керак. Методологияда билиш ва амалиётнинг узвий алоқадорлигига алоҳида эътибор қаратиш ҳозирги ижтимоий даврнинг талабидир. Шунга кўра методология фақат илмий билиш соҳаси билан чегараланиб қолмаслиги, балки билиш чегарасидан чиқиб, ўз соҳасида амалиётда ҳам қўлланиши зарур. Ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши ва тараққиёти билан методология таркибидаги тадқиқот

методлари ҳам мукаммаллашиб боришини эса, албатта, алоҳида эътиборга олиш керак.

Адабиётлар

1. Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы). -М.: Изд-во РУДН, 1997. 331 с.
2. Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие. –Москва: 2001. -203 с.
3. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. -Т.: Янги аср авлоди, 2008. -134 б
4. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. -124 б.
5. Фалсафа. (М.Аҳмедова умумий муҳаррирлиги остида). –Т.: Ўқитувчи, 2005. -348 б.
6. Философский энциклопедический словарь. -М.: Наука, 1983. -745 с.
7. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. -Тошкент: Фан, 2005. -234 б.
8. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 12 томли. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2001-2006. Т.V.2004. -572 б.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. V жиддли. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008. Т.III.2007. -688 б.

АЛТЕРНАТИВ СЎРОҚ ГАПЛАР МАТНИИ ШАКЛАНТИРУВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА.

Абдулаттеев Муҳаммадтоҳир Тожимамаатович

Фарғона давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти.

Аннотация: Ушбу мақолада сўроқ гапларнинг алоҳида тури ҳисобланган алтернатив сўроқ гапларнинг ўзига хос синтактик ва семантик хусусиятлари ҳақида маълумот берилади. Шу билан бирга бундай гапларнинг яна бир функционал белгиси – матнни шакллантирувчи восита сифатидаги вазифаси тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Гап, сўроқ гап, предикативлик, алтернативлик, коммуникативлик, пропозиция, пресуппозиция, когезия, когезион восита,

АЛТЕРНАТИВНЫЕ ВОПРОСИТЕЛЬНЫЕ ПРЕДЛОЖЕНИЯ КАК СРЕДСТВО ФОРМИРОВАНИЯ ТЕКСТА.

Абдулаттеев Муҳаммадтоҳир Тожимамаатович

Доцент кафедры узбекского языка и литературы Ферганского государственного университета.

Аннотация: В данной статье приводятся сведения о синтаксических и семантических свойствах альтернативно-вопросительных предложений, которые рассматриваются как отдельный вид вопросительных предложений. На ряду с данными, одним функциональным признаком такого предложения является изучение его функций как текстообразующее средство.

Ключевые слова: предложение, вопросительное предложение, сказуемое, альтернатива, связь, причинность, пресуппозиция, когезия, когезионное средство

44	Ўзбек, инглиз, рус тилларида тиббий атамалар таржимасининг қиёсий тадқиқи Абдурахманова М. У.....	209
45	Sotsiolingvistik kompetensiyani shakllantirishda rus va o'zbek tillaridagi temporal munosabatlarni taqqoslash Alimsaidova S. A.....	213
46	Чўлпон шеърятини инглиз тилига таржима қилишнинг лингвистик муаммолари Дадабоев О. О., Валижанов Ш. А.....	220
47	Проблемы формирования рецептивных навыков речевой деятельности в курсе иностранного языка. Зокирова З.....	224
48	Лирик шеърятда бадий макон функцияси Йўлчиев Қ. В.....	227
49	Бобур ижодида радд ул-матлаъ санъати Қурбонов А.....	233
50	О'zbek tilida emotsional-ekspressivlikning ifodalanishi Babaxanova D. A.....	241
51	Немис халқ эртақларидаги турғун бирикмаларни ўзбек тилида қайта яратишга доир Турсунов З. З., Бозорова Р. Ш.....	245
52	Reklama tilida ijtimoiylik hodisasi Mamirova D. Sh.....	248
53	Адабиётшунослик атамаларининг тараққиётини даврлаштириш масаласи Нодира М. Ҳ.....	253
54	Jamol Kamol she'rlarida falsafiy ruh tasviri. Nazarova D. I.....	258
55	Мустақил ва ёрдамчи сўзлар муносабати хусусида Исақов З. С.....	263
56	Нисбат категориясининг табиати ва уни таржима қилишнинг айрим муаммолари Исматова Н.М., Алиева Н.Н., Ғофурова Б. А.....	267
57	Искусство владения словом Худойберди Тўхтабоева Джураева Д. Р.....	272
58	О литературном языке Московской руси Попов Д. В.....	277
59	Семантические свойства процессуальных фразеологизмов субкатегории состояния (на материале русских деловых документов XVII - XVIII вв.) Раджапова Р. Р.....	281
60	Специфика синонимии производных антонимов Собирова Б.Б.....	289
61	О принципах использования средств зрительной наглядности на уроках по литературному чтению в узбекской школе Бобажонова М. Т.....	293
62	Лингвокультурологик тадқиқотлар методологияси	297

Саидов Ё. С., Умурова Х. Х.....	
63 Алтернатив сўроқ гаплар матнни шакллантирувчи восита сифатида. Абдупаттоев М. Т.....	304
64 Ўзбек адабиётида тарихий шахс образи талқини Дадабоев О., Абдуолимов А.....	308
65 O`zbek folklorida tol obrazining o`ziga xos talqinlari Rustamova G. B.....	315
66 Паралингвистикада имо-ишоралар Эргашева Н. Н.....	319
	ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
13.00.00	ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
	PEDAGOGICAL SCIENCES
67 Талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини такомиллаштириш йуллари Ибрагимова М., Усмонова М.....	324
68 Binar amallar va ularni dars jarayonida o`qitish metodikasi Azimov Q.....	327
69 Maktabgacha bolalar tarbiyasida ta'lim-tarbiya mashg'ulotlarida vatan tuyg'usini rivojlantirish Matmusayeva M.A.....	331
70 Современные подходы в формировании межкультурных компетенций с использованием медиатекстов Махамаджоновна М. М.....	335
71 Сайлов жараёнини такомиллаштиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни. Хўжахонов И.....	341
72 The profile-oriented approach to the teaching of a foreign language for the students of chemical technology direction Soliyeva M. A.....	346
73 Modern pedagogical needs and conditions for organization of physical culture activities Toshtemirov O. A.....	350
74 Особенности преподавания дисциплины трудовое обучение в педагогическом вузе Хамдамова В. А., Юсуфходжаева Ф. М.....	354
75 Касбий мослашиш ва касбий барқарорлик тушунчаси ҳамда уларнинг педагогик фаолиятдаги аҳамияти Турабов А. М.....	358
76 Ўқитувчи фаолиятида педагогик такт ва мулоқотни ўрни. Ботирова М. М., Бурхонова Д. С.....	363
77 Кредит-модул тизимида амалий машғулотларни ахборот технологиялари асосида ташкил қилиш методикаси Жалолова П. М.....	366
78 Texnologiya fani darslarida o`quvchilarning ijodkorlik tafakkurini shakllantirish imkoniyatlari.	371